

83.3
X-69

баддий сўз Ва образли тасвир УМИД ХОДЖАМКУЛОВ

Баддий тафаккур самаралари ҳамма даврларда
кишиларнинг маънавиятини юксалтириш, жамиятда
эзгулик, адолат, гўзаллик сингари башарий
кадриятларга таянган гуманистик тамойилларни
қарор топтириш; инсонпарварлик, ватанпарварлик,
миллатсеварлик ғояларини шакллантириш сингари
олижаноб моҳияти билан нуфузли.



Чирчиқ давлат педагогика институти
<https://www.cspri.uz/uz>

tcshdri@edu.uz
Чирчиқ ш. А. Темур к. №104

2020

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____

--	--

4040
4047
0107

А.Б.З
У-69

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҚИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

УМИД ХОДЖАМКУЛОВ

БАДИИЙ СЎЗ

ВА ОБРАЗЛИ ТАСВИР

(Миртемир лирикаси асосида)

Монография

Тошкент
«Университет»

2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ОРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚИРЧИК
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ОРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚИРЧИК
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

Ҳолжамқулов У. Бадийи сўз ва образли тасвир. Миртемир лирикаси асосида. Монография. –Т.: Университет, 2020. 144 бет.

УЎК: 821.512.133. 06(091)

КБК: 83.3г(5У)

X 69

Мазкур монографияда халқимизнинг сеvimли шоирларидан бири Миртемирнинг ижоди, унинг сўз ва образ борасидаги бадийи маҳорати бугунги кун ва адабиётшуносликнинг объектив конуниятлари нуктаи назаридан тадқиқ қилинган. Унда сўзнинг поэтик талқини, бадийи асардаги говийи-бадийи вазифаси, образнинг ижтимоий-фалсафий маъно кирралари борасида муаллифнинг илмий хулосалари баён қилинган. Шу билан биргалликда, шоирнинг сўз кўллаш санъатидаги ўзинга хос хусусиятлари, у яратган айрим поэтик образларнинг халқ ижодига муносабати, шоирнинг ижод лабораториясидаги ўзинга хос жиҳатлар ҳам таҳлилга тортилган. Миртемир шеърятининг XX аср ўзбек бадийи тафаккури тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-эстетик аҳамияти назарий жиҳатдан умумлаштирилган.

Монографиядаги илмий-назарий хулосалардан XX аср ўзбек адабиёти тарихини яратишда; олий ўқув юрталари учун XX аср ўзбек адабиётидан дарсликлар, кўпланмалар яратишда; Миртемир ўзбек адабий мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда; олий ўқув юрталарининг филология факультетларида XX аср шеърятини, хусусан, Миртемир шеърятини бўйича махсус курслар учун маъруза матнлари тайёрлашда; умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар учун яратилган адабиёт дарсликларининг Миртемир ижоди билан боғлиқ қисмларини тайёрлашда фойдаланиши мумкин.

Тақризчилар:

С.Матчонов – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини профессор, педагогика фанлари доктори;

Б.Менглиев – Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

Чирчиқ давлат педагогика институтини Кенгашининг 2020 йили 3 январдаги 7-сонли мажлиси қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-5604-4-4

© “Университет” нашриёти, Тошкент, 2020 й.

КИРИШ

Кейинги чорак асрда жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, республикамизнинг мустакил давлат сифатида ўзинга хос тараққиёт йўлини танлаши, халқимизнинг дунёқарashi ва интилишига мос янгича мафкураининг яратилиши кўпгина соҳаларда бўлгани каби фан ва маданиятда ҳам янги муносабат ва қиррашларни такозо қилмоқда. Фан ва маданиятга, миллий қадриятлар ва улarga муносабат тубдан ўзгарди, баъзи соҳалардаги қаддан уюштирилган гайриилмий қарашларга чек қўйилди, илгари ўрганилиши маълум даражада чекланган ёки умуман тақиқланган адабий меросимиз илмий жамоатчилиқка қайтарилди. Бу, ўз навбатида, ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам катор вазифаларни – адабиёт ва санъатнинг йиллар давомида нотўғри муносабатда ёлланган ёки умуман яқинлашилмаган муаммоларини янги давр нуктаи назаридан халқ этиши вазифасини қўймоқда. Чунки кўплаб ёнма соҳалардаги каби адабиётшунослиқда ҳам айрим мураккаб масалалар юзата келганки, улар бугунги кун талаблари асосида қайтадан кўриб чиқирилиши, албатта, зарур.

Бадийи тафаккур самаралари ҳамма даврларда кишиларнинг маданиятинини юксалтириш, жамиятда эзгулик, адолат, гўзаллик сингари башарий қадриятларга таянган гуманистик тамойилларни қарор топтириш; инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатсеварлик тоғларини шакллантириш сингари олижаноб мохияти билан нуфузли. Шу маънода, бадийи асарларнинг шахс ва жамият маданияти камолотида тутган ўрни ва аҳамиятига муносиб баҳо бериш, яратилмажак асарларнинг юксак савияда бўлишини таъминлаши каби вазифалар адабиётшунослик олдига ҳаминша қўйилган туради. Шу нуктаи назардан қараганда, ўзбек адабиётшунослиги кўп сонли ўзбек китобхонларининг маънавий-

интеллектуал савиясини юксалтиришга қаратилган ўз вазифини муносиб адо этишга интилиб келмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, собиқ иттифок даврида мавжуд бўлган мафкуравий тазйик ва бунинг натижасида юзага келган санъат асарларида нисбатан субъективлашган муносабатлар оқибатида бугунги адабиётшунослик талабларига жавоб беришга ожиз фикрлар, қарашлар ва талкикотлар ҳам яратилди. Галдаги вазифа адабиётшуносликда юзага келган мана шундай талкикотлар ўрнига санъат асарларининг ҳолисона, муносиб баҳосини берувчи илмий изланишлар ва талкикотлар яратилди.

Бугунга келиб, санъаткор шахсияти билан боғлиқ равишда унинг бадийи маҳоратини ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш борасида анчагина салмоқли ишлар амалга оширилди. Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий, Ҳамза, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон каби ижодкорларнинг баъзи асарлари башарий кадрлар нуктаи назардан янгича қарашлар асосида ёритилмоқда. XX аср ўзбек адабиётидати забардаст ижодкорларнинг республикамизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланиши ҳам уларнинг буюк хизматлари бугунги кунда қайтадан қадр топаётганини кўрсатади.

Шунга қарамаздан, бугунги кунда бу борада қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Хусусан, сталинча социализм даврида яшаб ижод этган Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирқарим Осим, Ёвлат Илёсов, Шукрулло каби шоир ва ёзувчилар мероси бадийи-эстетик моҳияти қузатилган ҳолда умумлаштирилган ўз баҳосини олиши зарур. Тўғри, бу борада матбуотда, или масканларида маврузалар пайтида баҳс-мунозаралар қузатилмоқда. Лекин, бизнингча, XX аср ўзбек

адабиётининг асл қиёфасини ёритиш учун бу етарли эмас, бу борада илмий изланишлар, йирик талкикотлар ҳам керак.

Мақсур монографияда ҳалқимизнинг севишли шоирларидан бири Миртемирнинг ижоди, шоирнинг сўз ва образ борасидаги бадийи маҳорати бугунги кун ва адабиётшуносликнинг объектив қонуниятлари нуктаи назардан талкиқ қилишни мақсад қилганимиз.

Дарҳақиқат, Миртемир ижоди ўзбек адабиётшунослигида узок йиллардан бери ўрганиб келинади. Шоир ижоди дастлабки даврданок китобхонларнинг кўнглига йўл толи ва адабиётшунос-лигида фикр қўзғата олди. Илмий-адабий жамоатчилик назарига тушди. Дастлаб адабиётшунос Сотти Хусайн шоирнинг илк изланишлари ҳақидаги чиқишларида¹ унинг ижодига тўғри муносабатда бўлди, келажакга умид боғлайди. У Миртемирнинг дастлабки изланишлари ҳақида ҳар жиҳатдан муқаммал бўлмасе-да, ундаги ўзига хос янгиликлар адабиётимизга “янги умидлар” бағишловини айтди.

Лекин Миртемир ижодининг дастлабки даврлариданок ноҳақ танқидга, асоссиз айбловларга ҳам учради. Олтой², Ботир³ каби “танқидчи”лар Сотти Хусайн мақолаларидаги Миртемир ижоди ҳақида билдирилган фикрларга қарши чиқар экан, ҳеч қандай илмий-назарий асосларсиз ёш шоир ижодининг келажакига умидсиз муносабатда бўлишди. Уларнинг чиқишида Сотти Хусайнга нисбатан кўпроқ қаразли муносабат сезилиб туради. Лекин Сотти Хусайн “ўзбек адабиётининг” ҳозирги муҳим масалалари⁴ мақолисида Миртемир ижодига нисбатан айтган фикрларида қатъий дуринини билдирди. Шунини мамнуният қайд этиш керакки, Сотти

¹ Сотти Хусайн “ўзбек адабиётининг” ҳозирги муҳим масалалари. “Қизил ўзбекистон”, 1929 й., 20, 22-сонлар; Миртемир Шукрулло кўнида. 1928 й., Сотти Хусайннинг “Адиқ” сўзбоши; Сотти Хусайн Адиқий тилшоҳиди портия чинишони мақола ўтқалуя учун. “Қурбани” жорнали, 1931 й., № 1.

² Олтой. Нефис адабиётга соғлом мақсуд ва соғлом танқид керак. “Қизил ўзбекистон”, 1928 й., 10-сонлар, 179-182-сонлар.

³ Ботир. Нефис адабиёт тўғрисидаги мунозарат. “Қизил ўзбекистон”, 1928 й., 5 октябрь, 230-сон.

Хусайн ёш шоирни ноҳақ танқидлардан ҳимоя қилар экан, унинг ижодий парвозига жуда катта кўмак берди. Зеро, “Ўзбек халқ шоири Миртемирнинг бугунги поэзиямиздаги салмоқли ўрни ҳам Сотти Хусайннинг ҳақли бўлганлигини кўрсатади”⁴.

Миртемир ижодининг ижтимоий аҳамиятига умидворлик билан қараш, ўзига хос бадийи-эстетик хусусиятларини ёритишга мойиллик, янги сифатларга хайрихоҳлик Сотти Хусайдан ташқари К.Тригулов⁵, Юнус Латифнинг⁶ чиқишларида ҳам кўзга ташланади. Юнус Латиф Сотти Хусайн фикрларига ҳамоҳанг фикрлар билдирар экан, унинг фикрларини тўлдирди, чуқурлаштирди. Адабиётшунос Миртемир ижодига ўзига хос хусусиятларини, бадийи маҳоратини тўғри белгилайди. Шу билан бирга, ёш шоир ижодига камчиликларни ҳам яширмайди. Жумладан, фикрий тақрор, сўزلарни ўз ўрнида қўллай олмаслик, синкикликнинг етишмаслиги каби камчиликларни қалам соҳибининг ёшлиги, тажриба ва маҳоратининг етишмаслиги билан изоҳлайди.

Ўша даврлардаёқ Миртемир ижоди нафақат ўзбек, балки рус адабиётшуносларининг ҳам диққатини тортди. Жумладан, С.Лиходзиевский⁷ шоирнинг рус тилида нашр этилган “Рассветной порой” (1947) китобига ёзган тақризида унинг уруш ва урушдан кейинги дастлабки йиллардаги ижодини ҳаққоний баҳолайди. Айни вақтда, Миртемирнинг баъзи асарларидаги риторика, мадҳийабозлик, тасвирдаги ўта шартлилик каби камчиликларни ҳам рўй-роҳ кўрсатади.

XX асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмида бошланган адабий ҳаётдаги соғлом фикрлар 60-йилларга келиб миртемиришуносликка

қам ўз асосини кўрсатди. Миртемир ижодига бағишланган алоҳида талкилотлар майдонга келди. Адабиётшуносликка шоир асарларининг ижтимоий, сиёсий аҳамияти, бадийи-эстетик физиоляри равию келиши бошланди. Хусусан, шоир ижодий фаолиятига оид бешта алобий портрет яратилди⁸.

Маъмур кузатишлар шоир ижодий йўлини, бадийи маҳорати сирларини очиб борасида бир-бирини тўлдирди. Айниқса, Озод Шарифулдинов талкиоти Миртемир ижодини анча кўламди, ноқори санида ўрганилгани билан ажралиб туради. Адабиётшунос Юнус Латиф Миртемир ижодининг ўзига хос жихатлари, кашф қилинган образлари, ўзига хос ижодий услуби, шеър техникасига келган ёнқ образлари, ўзига хос ижодий эволюцияси жараёнида талки оид маҳоратини унинг ижодий эволюцияси жараёнида талки қилиди. Хусусан, шоирнинг “Аччисой”, “Фаргона”, “Кўз”, “Яли-ян”, “Қитғалдоқ”, “Лолазор”, “Кўзларим йўлингда”, “Бўёсаи канд” каби шеърларининг тахлиги жараёнида у яратган образларнинг мазмунини, халқ оғзаки ижоди ва Миртемир шеърлигининг ўзаро ижодий муносабати ҳақида тўлиқ тасаввур берувчи фикрлар билдирди.

Адабиётшунос Т.Халилов “Миртемир маҳорати”⁹ китобда шоир асарларига камровли муносабатда ёндашади. Миртемир ижодининг билан асарларининг яратилиш тарихига ижодий табириятини асосида ёндашиб, унинг бадийи маҳоратини ёритди. Лекин адабиётшуноснинг талкиот майдони кенглиги бонде, у алоҳида бир муаммони тўлақонли ёритиб бермайди. Чунки ривожда адабиётнинг қайси муаммосида бўлмасин, Миртемир маҳорат сирларининг очиб берилиши мақсад қилиб кўйилмади.

⁴ Сўлатов И. Сотти Хусайн ҳақида бир неча сўз. Қараш: С.Хусайн. Ташкилтан асарлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. –7-бет.

⁵ Келин Ҳ.Бекетов. 1928 й. –4-5 июль. –150-151-сонлар.

⁶ Юнус Латиф. Зафар, “Шарқ халқияти” газетаси, 1929 й. 25 сентябр.

⁷ Лиходзиевский С. Песни любви к Родине. “Звезда Востока”, 1948 г. №3.

⁸ Шарифулдинов О. Миртемир (“Замон. Қаёб. Поезия” китобиди). –Т.: Бадийи адабиёт, 1962; Миртемир. Ўзбек шоири / Саъдулло Навоий асарлар. Янги серия. 127-нashр. –Самарқанд, 1963; Жаълолов Т. Қўнлар ва кўнлар кўнлари (“Янгиликлар таълиқоти” китобиди). –Т.: Бадийи адабиёт, 1966; Азизов К. Миртемир. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969; Фидуров И. Она юрт кўйида. –Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1970; Қасимов Т. Миртемир маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.